

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY TITUL PALATASI
INV. 18

Ассалом, Ёшлар йили!

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2008-yil • 1-yanvar • Seshanba • 1 (27.806) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



2007 йилда республикада ялли ички маҳсулот ҳажми 9,5 фоизга, саноат 12,1, қишлоқ хўжалиги 6,1 фоизга ўсди, экспорт салоҳияти 1,4 баробардан, олтин-валюта захира-ларимиз 50 фоиздан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафа-қаларнинг реал миқдори эса 40 фоиз-га ортди. Айти шу пайтда инфляция, яъни нарх-наво даражаси 6,8 фоиздан ошмагани эътиборга сазовордир.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Қадрли ватандошлар!
Азизларим!

Авваламбор, барчангизни, бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги — 2008 йил билан чин қалбимдан табриклайман.

Мана шу дақиқаларда якунига етиб бораётган 2007 йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимиздан кечирган қувончли ва таъшишли кунларни, эл-юртимиз ҳаёти-даги муҳим ва унутилмас воқеаларни бе-иктиёр эслашимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, ўтаётган йилда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига мамлакатимизнинг тараққиётини юксалти-риш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш йўлида қўлга киритган ютуқ ва марраларимиз, бунёдкор-лик ишларимиз Ватанимизнинг куч-қудра-тини ошириш, юртимизни янада обод этиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш борасида катта қадам бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бунинг тасдиғини 2007 йилда респу-бликада ялли ички маҳсулот ҳажми 9,5 фоизга, саноат 12,1, қишлоқ хўжалиги 6,1 фоизга ўсгани, экспорт салоҳияти 1,4 баробардан, олтин-валюта захира-ларимиз 50 фоиздан зиёд кўпайгани, иш ҳақи, пен-сия, стипендия ва нафақаларнинг реал миқ-дори эса 40 фоизга ортгани мисолида кўриш мумкин. Айти шу пайтда инфляция, яъни нарх-наво даражаси 6,8 фоиздан ош-магани эътиборга сазовордир.

Ҳаётимизнинг барча соҳа ва жабҳалари-ни демократлаштириш ва либераллашти-риш йўлида амалга оширилаётган ислохот-ларни янада чуқурлаштириш ва самараси-ни ошириш мақсадида катта аҳамиятга эга бўлган кўпгина қонун ва қонунчилик нор-маларини қабул қилганимизни, улар бугунги кунда муваффақият билан жорий этилаёт-ганини қайд этиш зарур, албатта.

«Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном олган 2007 йилда ёрдамга муҳтож бўлган инсон-лар ва оилалар, ёлғиз кексалар ва ногирон-ларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича инсонпарварлик руҳида амалга оширган савобли ишларимиз бутун мамла-катимизни қамраб олган умуммиллий ҳар-катга айланди.

Биз буни халқимизнинг онгу тафаккури, маънавий олами тобора юксалиб бораёт-гани, диёримизда меҳр-оқибат, саховат ва муруват туйғуларни ҳукм сураётганининг яна бир тасдиғи деб қабул қиламиз.

Бугун якунига етиб бораётган йилга хо-лисона баҳо бера эканмиз, ҳақиқатан ҳам, босиб ўтган йўлимиз ва қўлга киритган мар-раларимиз барчамизга эртанги кунга кўта-ринки руҳ ва катта ишонч билан қараш учун замин тугдиради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ул-кан ижобий ўзгаришлар, Ватанимизнинг яна-да равиқ топишида барчамиз, шу мўъта-бар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси инсон бу ютуқларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб яшагга ҳақли-дир.

Муҳтарам дўстлар!
Юртимизда кунчи кеча бўлиб ўтган, ҳам-мамиз учун катта сиёсий синов бўлган

Президент сайлови Ўзбекистонда эркин де-мократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқларини устун қўядиган фуқаролик жа-мияти барпо этиш йўлида катта мактаб ва янги босқич бўлди.

Ҳеч шубҳасиз, ҳолислик, очиклик ва ҳаққонийлик руҳида ўтган бу сайлов халқимизни янада жипслаштириб, унинг сиёсий ва ҳуқуқий билими, маданияти то-бора ошиб бораётганини, эркин овоз бер-ган ҳар қайси фуқаронинг орзу-умидлари ва келажакка ишонч билан қарашини яққол намоён этди ва ҳаётимизда чиндан ҳам та-рихий бир воқеага айланди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сайловчилар-имиз томонидан менга кўрсатилган юк-сак ишонч учун чин қалбимдан, юрагимдан самимий миннатдорчилик билдираман ва халқимга чуқур таъзим қиламан.

Мен учун сиз, азизларга, бутун Ўзбеки-стон халқига умрбод садоқат билан хизмат қилишдан бошқа мақсад ҳам, ҳаёт ҳам йўқ, десам, кўнглимдаги, дилимдаги гапни айт-ган бўламан.

Қадрли дўстларим, биродарларим!
Гўзал диёримизга янги — 2008 йил ки-риб келишига саноқли дамлар қолган мана шу унутилмас ва ҳаяжонли дақиқа-ларда ҳар қайси инсон ўз қалбининг тўри-да асраб келаётган энг азгу истақлар рўёбга чиқишини, ўзига, оиласи ва фар-зандларига эсон-омонлик, элу юртига тинчлик, тўқинлик ато этишини, омад ёр бўлишини ният қилади.

Мен ҳам сиз, азиз ҳамюртларимнинг ана шундай олижаноб орзу-умидларига тила-дош бўлиб, уларнинг ижобат бўлишини Яратганимиздан сўрайман.

Келгуси йилда олиб бораётган ислохот-ларимизни янада чуқурлаштириш ва самар-расини ошириш, республикада инвести-циялар ва замонавий технологияларни олиб кириш ҳисобидан давлатимизнинг куч-қудрати ва иқтисодийтини янада юксалти-риш, халқимизнинг фаровонлигини оши-риш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, тараққиётимизнинг таянчи бўлиши кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркор-лик ривожини учун зарур имконият ва имтиёз-лар яратиш, одамларнинг ўз меҳнати нати-жасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъ-минлашга қаратилган вазифалар эътибор-имиз марказида бўлади.

Шу борада меҳнатчиларимизнинг иш ҳақи миқдорини 2007-2009 йилларда камида 2 баробар кўпайтириш бўйича белгилаб ол-ган вазифамиздан қелиб чиққан ҳолда, янги йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш ҳам бизнинг устувор мақ-садимизга кирди.

Ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етишда бизнинг ишончимиз ва суянчимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизга яна-да кенгроқ йўл очиб бериш ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этаётганини бугунги кунда барчамиз чуқур ҳис этмоқдамиз.

Айти шу мақсадларни амалга ошириш йўлида, яъни ёшларимизни ҳақиқатан ҳам бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилув-чи кучига айлантириш, уларнинг жамияти-мизда муносиб ва мустаҳкам ўрин олиши-га пойдевор яратиш учун янги — 2008 йил-ни Ёшлар йили деб эълон қилганимизни, бунинг аҳамияти ва моҳиятини, ўйлайман-ки, халқимиз, жамоатчилигимиз яхши ан-глаб олмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги йилдаги барча мақсад ва режаларимиз халқимиз-нинг турмуш даражасини юксалтириш, юр-тимизни гўзал ва фаровон, ҳаётимизни яна-да файзу баракали этишга хизмат қилади, иншоолло.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!
Барчангизни кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор самимий таб-риклайман.

Янги йил ҳар бир юртошимизга соғлиқ-саломатлик, бахту саодат, ҳар бир оилага яхшилик ва кут-барака олиб келисин.

Ватанимиз тинч, халқимиз ҳамиша омон бўлсин.

Парвардигор эл-юртимизни ўз паноҳида сақласин.

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Диллар қувончга тўлди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш ав-лод тарбияси, камолоти ва истиқболига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили мамлакатимизда «Президент арчаси» томошаларининг ўткази-лиши, кичиктойларга Юртбошимиз номидан совғалар берилиши ана шу рамзхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

29 декабрь куни пойтах-тимиздаги «Туркистон» са-роида «Президент арчаси» байрам шодиёналари бош-ланди. Унга шахримиздаги барча Меҳрибонлик ўйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, серфарзанд, боқувчисини йўқотган оила-лар фарзандлари таклиф этилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»-да Меҳрибонлик ўйлари, махсус мактаб-интернат-лар, Муруват ўйлари ва меҳ-натчиларнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланиб, уларни замонавий жиҳоз-лар, компьютер ва бошқа техника воситалари, ада-биётлар билан таъминлаш, инклюзив таълимни янада ривожлантириш борасида кенг қўламини ишлар амал-га оширилди. 2008 йил — Ёшлар йилида бу борадаги

зғу юмушлар салмоғи янада ортиши табиийдир.

— Яқунланган йил Меҳрибон-лик ўйимиз тарбияланувчилари ва жамоаси учун ҳам унутилмас воқеаларга жуда бой бўлди, — дейди пойтахтимиздаги 30-Меҳ-рибонлик ўйи директори Гулно-ра Ҳабибронова. — Меҳрибон-лик ўйимиз капитал таъмир-ланди. Болаларнинг пухта ўқуши, мароқли дам олиши, ўз саломатлигини мустаҳкамлаши, истеъдодини намоён этиши бо-расидаги мавжуд шароит ва имкониятлар янада кенгайди.

«Президент арчаси» шодиёна-лари юртимизнинг барча кич-кинтойлари каби бизнинг ўғил-қизларга ҳам олам-олам қувонч бағишламоқда. Ёш авлод кела-жаги борасида кўрсатаётган ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбари Ислом Каримовдан гоёта миннатдоримиз.

...Саҳнада Қорбобо ва Қор-қиз, ажойиб эртақлар қахра-монлари пайдо бўлади. «Меҳр ёғдуси» томошаси бошланади. Эстрада юлдузлари, цирк ус-талари, болалар бадиий жамоа-лари иштирокидаги мусиқий дастурларни шодиёна ишти-рокчилари қувонч билан кутиб олади.

Болаларга Президент совға-лари топширилди. Бундай шо-диёналар юртимизнинг Қора-қалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларида давом эт-моқда.

Тадбирда Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош вазирининг ўрин-босарлари С.Иномова, Р.Қоси-мов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири
Суратларда: «Президент арчаси» шодиёналари.

Абдिवоси ҲАЙДАРОВ
олган суратлар

Президентга табриклар

Янги, 2008 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хоржий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этил-ган самимий кутловларини йўллаганлар.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан келган табрик хатида бундай дейилади:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизни кириб келаётган янги йил билан самимий кутлайман! Ўтаётган йил Россия — Ўзбекистон муносабатларини стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида ривожланти-ришда муҳим воқеалар билан нишонланди.

Минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича Сиз билан ўзаро ишонч руҳидаги мулоқотимиз ҳамда ошқора фикрлашувимизни юксак қадр-лайман. Унинг келгусида ҳам шундай давом этишига умид қиламан.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва дав-лат ишларингизда муваффақиятлар, яқинларингизга омонлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равиқ тила-лайман.

Эҳтиром ила,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Шунингдек,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун;
Германия Федератив Республикаси Президенти Хорст Кёлер;
Корея Республикаси Президенти Но Му Хён;
Польша Республикаси Президенти Лех Качиньски;
Миср Араб Республикаси Президенти Муҳаммад Хусни Муборак;
Сингапур Республикаси Президенти С.Р.Натан;
Козогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев;
Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов;
Украина Президенти Виктор Ющенко;
Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко;
Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон;
Арманистон Республикаси Президенти Роберт Кочарян;
Исландия Президенти Олавер Рагнар Гримссон;
Люксембург Буюк Герцоги Анри;
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулазиз Бутефлика ҳам табрикнома йўллаган.

Табрикномада келиши давом этмоқда.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

Ёшлигим

Олис қишлоғимнинг қўчаларида
Тупроқни қангитиб юрган ёшлигим.
Жанубнинг юлдузли кечаларида
Ухламай ҳаёллар сурган ёшлигим.

Орзулар қайгадир чорлади бир чок,
Орта қолиб кетди у азиз тупроқ,
Кимгадир шоғирду кимгадир ўртоқ,
Шеър билан сўхбатлар қурган ёшлигим.

Танидир юртимни, қадим элимни,
Алишер сўзлаган сулув тилимни,
Ва лекин ёларим тўсиб йўлимни
Не забун кунларни қурган ёшлигим.

Дунёда бировни камситмоқ ёмон,
Ёмондир сеники бўлмаса замон.
Тополмай бир чора, тополмай имкон
Йўлни ёлғизликка бурган ёшлигим.

Шукур, тўшларда қолмади сўлиб,
Келди ҳўш даврон ҳам шавқларга тўлиб.
Энди рўпарамда набирам бўлиб
Мардона қад қериб турган ёшлигим.

30 декабрь, 2007 йил

Асака:

111 мингта автомобиль хорижга

«ЎздЭУавто» ёпиқ акция-дорлик жамияти жамоаси 2007 йилни муносиб якун-лаб, Янги йилга қадам қўйди-лар. Корхона конвейеридан режадаги 170 мингта ав-томобиль чиқди. Замонавий «Дамас», «Матиз», «Нексия», «Нексия-Дон», «Ласетти»лар қаторидан «Шевроле» русум-ли халқаро моделдаги

«Epica», «Captiva», «Tasita» авто-мобиллари ҳам ўрин олди. Улар-нинг 59 мингтаси ички бозорга,

111 мингтаси хорижга экспорт қилинди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Янги йил оstonасида

Кўнглингиздан қандай ўйлар кечаёттир?

Хар йили шундай бўлади ўзи. Бу ҳаммамиз учун табиий бир ҳолга айланиб қолган: 31 декабрь куни... Энг осон йўли — узоқ-яқинларга телефон қиламиз. Аввалига жигарларимизни, сўнг эса дилдош дўсти ёрларимизни йўқлаймиз. Салом-алик билан бирга «Янги йиллар муборак бўлсин» деймиз шодмонлик билан.

Биз ҳам одатий анъанага кўра, мамлакатимизнинг турли бурчақларида яшаб, меҳнат ва ижод қилаётган айрим юртдошларимиздан қутлуг айём арафасида юқоридаги саволга жавобларини сўрадик.

Феруза РАФИЕВА, Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институти 4-босқич талабаси, 2007-2008 ўқув йили бўйича Президент стипендианти:
— Менинг ўзим оддий бир қишлоқ фарзандиман. Ота-бобомнинг тушугаям кирмаган бўлса керак, бизнинг авлодимиздан бир кун келиб, менга ўхшаб эл-юрт назарига тушиб, Юртбошимизнинг махсус стипендиясига сазовор бўладиганлар чиқибди. Мен учун бу йил энг омадли йил бўлди, десам муболага эмас. Фидойи устозларимнинг сўй-ҳаракатлари туфайли долзарб мавзулардаги илмий маърузаларим билан мамлакат миқёсида ўтказилган нуфузли анжуманларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладим. Айни пайтда эса «Вирус-сиз асосда ташкил этилган картошка уручилиги» мавзусида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораёлман.

2007 йилнинг мен учун ҳам, ўйламанки, барча ватандошларим учун ҳам энг унутулмас воқеаси — бутун халқимизнинг жипс бўлиб, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда мустакил давлатимизнинг Президентини дунё овоз берганимиз бўлди. Бу буюк келажагимиз учун ташланган энг муҳим қадамлардан биридир.

Янги йилдан эса умидим жуда катта. Энг кўвончлиси, Президентимиз биз навқирон авлод вакилларига яна бир бор ишонч ва умид билдириб, 2008 йилни «ЕШЛАР ЙИЛИ» деб эълон қилди. Биз ҳам ана шу юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан Ватанимизнинг довуғини, шарофтини дунёга танитиш учун тинмай ўқиймиз ва ишлаймиз шарт. Насиб этса, Янги йил чин маънода биз ёшларнинг йили бўлади!

Холидбек КОМИЛОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Биз шифокорларнинг хар бир юртдошимизга чин кўнглидан айтадиган жуда оддий бир

ниятимиз бор: «Илоҳ ҳеч ким касал бўлмасин бизга иши тушмасин...» Лекин на чора? Хар биримиз иссиқ жонимиз. Шундай пайтда қараб турмаймиз. Айниқса, менинг яъни кўз шифокорининг ҳузурига келаётган одамнинг кўнглидан нелар кечиши ёлғиз Яратганга ва ўзига аён. Шундай экан, мен учун биз хайрлашаётган йил хайрли келди, дея оламан. Негаки, юзлаб инсонлардан давлатимиз энг замонавий тиббиёт ускуналари билан етарли шариот яратиб бергани ва бизнинг кўмагимиз орқали дунёни кўрмоқдай бахтга етганлари учун чексиз раҳмату дуолар ашитдик. Шунинг ўзи бизларга катта руҳий куч-қудрат беради.

Маъмура ЭРГАШЕВА, Ўзбекистон халқ артисти:
— Очиғи, кўнглим тўлди бу йилдан. Боиси, аввало янгилашни ва яшариш фасли бўлмиш Наврўз ҳамда улуг айёмимиз Мустақиллик байрамларига бағишланган катта тантаналар учун оммавий рақсларни саҳналаштиришда иштирок этдим. Шунингдек, «Янги авлод» Республика болалар ижодиёти фестивали ҳамда «Келажақ овози» кўриктанови жюри хайратига қатнашиб, ёш иқтидорли санъат гунчаларини кўриб, кузатиб бошим осмонга етди. Негаки, ана шулар эртага бизнинг бетакорр миллий санъатимиз анъаналарини дунёга олиб чиқишига ишонман.

Хуррам ЖўРАЕВ, Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи:
— Аввало хар ким ўз соҳасидан келиб чиқиб, ўтаётган йилга баҳо бериши табиий. Шу ўринда бизнинг солиқ тизимимизда рўй бераётган янгилик ва энгилликлар хусусида қўлаб ҳаётий мисолларни келтиришим мумкин. Бизнинг фаолиятимиз бевоқиф мамлакатимизда амалга оширилаётган босқинча-босқинчи таъминоти асосидаги ишловлар камровида ҳукуматимиз томони-

дан солиқ юкини энгиллаштириш, солиққа тортиш механизмининг соддалаштиришга қаратилгани боис бу сўй-ҳаракат ва интилишлар аллақачон ўз самараларини берапти. Биз энг аввало халқимизга, қолаверса, иқтисодий тизимнинг таянч нуқталари ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларга беминнат хизмат қилаётганимиздан мамнунмиз.

Мен сеvimли ва қадрдон газетамиз орқали барча юртдошларимиз ва ҳамкасбларимизни қутлуг Янги йил билан чин дилдан табриклайман. Ҳаммамизга йил бўйи омаду кўвончлар йўлдош бўлсин!

Парвоз ЯХЎЕВА, Ҳўжайлидаги 3-республика ёрдамчи махсус мактаб-интернати ўқитувчиси:

— 2007 йил бизнинг аҳил жамоамиз учун кўвончли келди, десам муболага бўлмайди. Чунки мактабимиз ўқувчилари учун янги замонавий бино қуриб берилди. Ҳозир ана шу шинам ва кўркам масканда икки юздан кўпроқ меҳру мададимизга муҳтож болалар таҳсил кўрапти. Яқиндагина эса Президентимизнинг ташаббуслари билан бизнинг болаларимиз учун махсус автобус ҳам совға қилинди. Тилагим — бундай савобли амаллар ҳеч биримизни тарк этмасин.

Соат ШАРИПОВ, телебошловчи:

— (Одатдагидек кулиб сўзлайди) Тўғриси айтмайман сизга, мана шу бизлар учун тарихий йилга айланаётган 2007 ни мен кўчада кутиб олганман. Вилоятдан етиб келман деб йўлга чиқиб... пойтахтга йигирма чакирим қолганда машина сабил «қовун туширган». Нима қилай, бир ёғи элнинг хизматида юрамиз, бир ёғи эса касбимиз шу, уйдагилар ҳам кўнгикиб қолган.

Эсимда, 1990 йилни дунёнинг нариги бурчағи бўлган Кубада кутиб олганман. Уларда ҳеч байрамга ўхшамаган Янги йил. Аввалига хайрон бўлганмиз. Кейин ўзимиздаги байрамона кўчалар тўкин дастурхонлар, кулгу-аския тўла давралар қадрини англаганмиз. Айтганча, газетингиз эртага чиқади-я, ниятим — ҳамма юртдошларим 2008 йилни ўз қадрдонлари, оила аъзолари даврасида кутиб олсин! Янги йил муборак бўлсин!

Норқобил ЖАЛИЛ ёзиб олди.



Энг мўътабар неъмат

Нон..! Таърифу тавсифига тил оқиз, сиру синоатидан лол дунё! Не-не тамаддилар билан тўлдириб, харчанд беэманг, дастурхонингиз нонсиз бўлмайди. Хон-тахта устига ҳам энг биринчи уни қўясиз, кейин бошқа таомлар...

Шу ва шу каби ташбеҳу, тасаввурлар билан кеча барчамиз байрам қаҳ-қаҳаларини бошлаб юборган кезларда ҳам олов пурқаб турган тандирлару печлар олдидан, манглайдан реза-реза тер оққанча нон узган новвойлар меҳнатини бир тасаввур қилинг...

— Хар куни эл дастурхонига 12 тоннагача 16 хил нон ва нон маҳсулотлари узатамиз, — дейди **пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Шифокор» очик акциядорлик жамияти раиси Мираббор Бекбоев**. — Байрам оқшомида ҳам корхонамизнинг 36 нафар новвойлари шунча ҳажмда, шунча хил энг мўътабар неъмат — нон пишириб, дўконларга пешмаш пеш етказиб бердик: қолипли нон, «дариниқий» нон, батон нон, хот-дог нон, «шифобахш» нон...

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Наврўз» маҳалласида жойлашган «Нисоматекстил» хусусий корхонаси жамоаси барча юртдошларимизни Янги — 2008 йил билан қутлайди!



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Фарғона вилояти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси 2008 йилда вилоятда капитал таъмирланиши режалаштирилган куйидаги объектларга ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объектлар номи:

Мукаммал таъмирлаш

1. Фарғона тумани, Гулпосон қишлоғидаги 320 ўринли 50-мактаб.
2. Фарғона тумани, Қўрғонтепа қишлоғидаги 680 ўринли 53-мактаб.
3. Тошлоқ тумани, Жар қишлоғидаги 622 ўринли 14-мактаб.
4. Қувасой шаҳар, Қобилбек қишлоғидаги 360 ўринли 20-мактаб.
5. Богдад тумани, Чуваланчи қишлоғидаги 540 ўринли 22-мактаб.
6. Тошлоқ тумани, Янгийўл қишлоғидаги 504 ўринли 11-мактаб.
7. Охунбобоев тумани, Деҳқонобод қишлоғидаги 536 ўринли 45-мактаб.
8. Сўх тумани, Умбра қишлоғидаги 192 ўринли 16-мактаб.
9. Ўзбекистон тумани, Қайқобод қишлоғидаги 260 ўринли 4-мактаб.
10. Ўзбекистон тумани, Тоғай қишлоғидаги 360 ўринли 27-мактаб.
11. Ўзбекистон тумани, Авган қишлоғидаги 220 ўринли 32-мактаб.
12. Ўзбекистон тумани, Жаманжар қишлоғидаги 210 ўринли 35-мактаб.
13. Ўзбекистон тумани, Дўнгсарой қишлоғидаги 220 ўринли 39-мактаб.
14. Бешариқ тумани, Упада қишлоғидаги 536 ўринли 23-мактаб.
15. Бешариқ тумани, Шоберди қишлоғидаги 400 ўринли 4-мактаб.
16. Бешариқ тумани, Қозоқовул қишлоғидаги 320 ўринли 38-мактаб.

Қурилиш муддати — 1 август 2008 йил.

Қурилиш-монтаж ишлари: Мактаб таълимини ривожлантириш Республика фонди ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар куйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни таъдим қилишга банк кафолатномаси мавжудли-

ги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, ўхшаш объектларни қуриш бўйича энг камида 2 йиллик иш тажрибасига эгалиги, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб қуни ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

2007 йилнинг энг муҳим воқеалари:

● Республикамиз пахтакорлари 4 миллион галлакорлар эса 6 миллион тонналик марралардан муваффақиятли ошиб ўтдилар. Шунингдек, пиллакорлар, қобону соҳибкорлар ҳам катта ижобий натижаларга эришдилар.

● 2007 йил — мамлакатда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг кескин ўсиши билан ҳам самарали из қолдирди. Айниқса, фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш ва турмуш шароитини яхшилаш йўлидаги ишлар кўлами ҳамда сифати хар қачонгидан ошиб, пировардида, аҳолининг ўртача умр кўриши даражаси бугунги кунда эркаклар ўртасида 66 ёшдан 70 ёшга, аёллар ўртасида 70 ёшдан 74,6 ёшга узайди.

● 19 ЯНВАРЬ. Мамлакатимизда Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида Президентимиз Фармони эълон қилинди. Тантанали йилгилиш қатнашчиларига Юртбошимиз табрик йўллади.

● 14-15 АВГУСТ. Таълим, фан ва маданият — масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан юздан зиёд вакиллар иштирок этди.

● 24 АВГУСТ. Асп қурилиши номини олган «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» янги темир йўли ишга туширилди. Унинг тантанали очилиш маросимида Президентимиз Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади.

● 25 АВГУСТ. Қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик муборак тўйи мамлакатимизда катта шодийнага айланди.

● 25-30 АВГУСТ. Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан бунён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шарқ тараоналари» VI халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

● 31 АВГУСТ. Халқимиз энг улуг ва энг азиз айём — мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигини кенг нишонлади.

● 7 СЕНТЯБРЬ. Дунё цивилизация учоқларидан бири Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги катта тантана билан нишонланди. Президент Ислом Каримов юбилей тантаналарида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Митти репортаж

«2008 йил 00¹⁵...»

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясида 121 та «Тез ёрдам» машинаси, 12 та подстанция ва 2 минг нафарга яқин тиббиёт ходимлари кеча-кундуз хизматда

Биз Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясига кириб борганимизда соат миллари (2007 йил) 23⁴ни кўрсатиб турарди.

Тезкор бўлим бошлиғи Насиба Маҳмудова етакчилигидаги навбатчилар гуруҳини қизғин иш устида учратдик. Шифокор Виктория Владимировна ва катта диспетчер Гуля Гайнатулина етакчилигидаги гуруҳ — 20 нафар оператор тиббий хизматга шай туришибди. Камола Маҳкамова, Манзура Тожиёва, Роза Маҳкамова, Салтанат Юсупова... Улар янги — 2008 йилни иш жойида қутиб олишди.

— 16 йилдан бунён шу ерда ҳамшира бўлиб ишлайман, — дейди Гулнора Азизова. — Иш

фаолиятимда 4 марта Янги йилни «Алло, 44... эшитди» деб қутиб олганман. Бу — бешинчиси.

Азиза Анварова гуруҳнинг энг ёш аъзоси: «Уч ярим йил бўлди иш бошлаганимга, — дейди у. — Янги йилни биринчи марта навбатчиликда қарши олишим... элу юрт соғ, омон бўлса бас...»

Қизларнинг кайфияти чоғ, ҳазил-мутойиба: «66 эшитди», «44 эшитди...»

Хайрлаша туриб, уларнинг Янги йил тилақларини сўрадик. — Ҳеч ким, ҳеч қачон касал бўлмасин! Туғилиш кўп бўлсин, ўлим бўлмасин! — дейишди улар.

Бирдан кўнгирик...



— Алло, 66 эшитди... тушундим, «Тез ёрдам» ҳозир боради! — Қизлар, кетдик, тез! Янги йил чақалоғи тўлғоғи...

Тахририятга келиб, қизиксиниб, «Тез ёрдам»га кўнгирик қилдик. Дарҳақиқат, бугун оқшом — 2008 йил, 00³⁰да 6-шаҳар туғуруқхонасида жажжи ўғлон дунёга келди...

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: Янги 2008 йилни иш жойида қаршилаган бир гуруҳ «Тез ёрдам» шифокорлари.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.



Руслан Чагаев — «Йилнинг энг яхши спортчиси»



Анъанага кўра, «Sport» газетаси тахририяти ҳар йили мамлакатимизнинг «Энг яхши спортчиси», «Энг яхши мураббийи», «Энг яхши спорт хомийси» каби номинациялар бўйича ғолибларни аниқлаш мақсадида республика ОАВ ходимлари ўртасида сўров ўтказди. 2007 йил якуни бўйича уштирилган сўровда бу гал олтинчи бир нафар спорт журналисти қатнашди.

Сўров якунида ҳамкасбларимиз бир овоздан профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевни 2007 йилнинг «Энг яхши спортчиси», деб топди. Эдингизда бўлса, Руслан апрель ойида россиялик жаҳон чемпиони Николай Валуевни энгиб, олтин камарни қўлга киритганди.

Яқиндагина футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилев ОФК томонидан Осиёнинг 2007 йилдаги «Энг яхши мураббийи» деб эътироф этилганди. Мамлакатимиз журналистлари сўровида ҳам тажрибали мутахассис йилнинг «Энг яхши мураббийи» номинацияси ғолиби бўлди.

Ўтган йилнинг 11-22 ноябрь кунлари Анталия (Туркия)да футбол бўйича ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси олтин медалларга сазовор бўлган эди. Сўров якунига мувофиқ, мамлакат ампутантлар терма жамоаси йилнинг «Энг яхши спорт жамоаси», деган

номга мушарраф бўлди. «Энг яхши спорт хомийси» номинацияси бўйича ўтган сўровда «Олимжон Акбаров» (Яйпан, Фарғона) футбол клуби (президенти Мирмуҳсин Акбаров) ғолиб чиқди. Ўзбекистон биринчилиги дебютанти яйпанликлар мавсумни фахрли тўртинчи ўрин билан якунлашган. Акбаровлар хомийлигида май ойида республика ноғиронлари ўртасида илк Паролимпия уйинлари зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. Шунингдек, саховатли оила аъзолари хомийлигида VIII жаҳон чемпионатида қатнашган Ўзбекистон ампутантлар футбол терма жамоаси ғолибликни қўлга киритиб, мухлислар меҳрини қозонди.

Янги йил байрами арафасида пойтахтимиздаги «Ипак йўли» ресторанида йил лауреатларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда 2007 йилнинг «Энг яхши спортчиси», «Энг яхши мураббийи», «Энг яхши спорт хомийси» ҳамда «Энг яхши спорт жамоаси» номинацияси бўйича ғолибларга сўров ташкилотчилари ва хомийлари томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совға, дипломлар топширилди. Шунингдек, йил давомида оммавий ахборот воситалари ҳамда даврий нашрларда фаоллик кўрсатган бир қатор журналистлар «Йилнинг энг яхши спорт тарғиботчиси» номинацияси бўйича муносиб тақдирландилар.

Эркин ХОЛБОБО.

Самода ... табриклаймиз



Бу кунни кўплар оилавий байрам, ўз яқинларинг даврасида кутиб олганга не етсин, дея талқин қилади. Лекин бизнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниямиз ходимлари учун Янги йилни ерда ҳам, осмонда ҳам кутлуг айём сифатида кутиб олиш анъанага айланган.

Аксариyat юртдошларимиз 31 декабрь куни соат миллари 12 га яқинлашганида ўз уйларида, тўкин дастурхон устида бир-бирларини кутлаётган лаҳзаларда бизнинг кўплаб учувчи ва борт кузатувчиларимиз самода туриб, ўз меҳмонларини чин дилдан муборак этакдилар. Барча йўловчиларга «Янги йилнингиз муборак бўлсин! Парвозингиз кўнгилли ўтсин» дея ўзимизнинг самимий дил изҳоримизни йўллаймиз.

Нигора ЮСУПОВА,
«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
Миллий авиакомпанияси

Учувчилар мажмуаси катта борт кузатувчиси.

Хурматли юртдошлар!
Сизларни қариб келатган
Янги — 2008 йил билан табриклаймиз!

«НАМКОРЛИК MULKSAVDOSERVIS» ташкилоти С.Раҳимов туман ҳокимининг 2007 йил 23 декабрдаги 4679-сонли қарорига асосан, «KIMOVNI SAVDOLARI AGENTLIGI» МЧЖ ва «NURAFSHON SERVIS» МЧЖларини ўз сифига қабул қилиш орқали Янги йилни бирлашган жамоа сифатида кутиб олаётганлигини маълум қилади.

**Янги йил барчамизга қувончли,
баракали ва омадлар йили бўлсин!**

Термиз давлат университети

**профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари,
«ТерДУ-Сурхон»
қизлар футбол жамоаси
барча юртдошларимизни,
миллионлаб мухлисларни кириб келган
Янги — 2008 йил билан
самимий муборакбод этади!**

**Ҳар бир хонадонга
тинчлик-осойишталик,
қут-баракани тилайди!**

«Sino»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**жамоаси бунёдкор Ўзбекистон халқини
Янги — 2008 йил билан
самимий муборакбод этади!**

**Корхона маҳсулотлари нафақат Ўзбекистон, балки,
кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам харидордир.
Лайиқса, музлатгич, совутгич, савдо-технологик
асбоб-ускуналари Марказий Осиё минтақасида
машҳурдир. Минтақамизда ягона ҳисобланган
 заводда бугун 28 турда маҳсулот тайёрланапти.
2003 йилдан бошлаб корхона ҳукуматимиз
гамхўрлигида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш
дастури асосида фаолият кўрсатапти.
Жаҳондаги энг илғор, замонавий технология
қўлланилиб, экологик тоза ва юксак сифатли
комашёдан тайёрланган маҳсулотлар ISO 9001:2000,
ISO 14001:1996 халқаро сифат тизими
талабларига тўла жавоб беради.**

**Ниятимиз 2008 йилда маҳсулот турларини янада
кўпайтириш, сифатини янада яхшилаб харидорларни
хурсанд этишдир. Юртдошларимизни байрам билан
қутлар эканмиз, барчага тан-сиҳатлик,
хотиржамлик тилаймиз!**

**Юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, рўзгоримиз
тўкин-сочин бўлсин!**

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Musiliddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
133-10-13

Madaniyat va sport
133-69-45,
133-21-43

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36,
133-44-55 (Tel. Faks)

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
133-12-56

Kotibiyat
133-72-83,
136-55-17

Reklama va e'lonlar
133-38-55,
133-47-80

VILOYAT

MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70

Buxoroda —
222-10-92

Gulistonda —
25-22-32

Jizzaxda —
5-49-85

Navoiyda —
223-83-73

Namanganda —
6-43-43

Nukusda —
222-70-15

Samarqandda —
35-20-54

Urganchda —
226-51-35

Farg'onada —
26-43-62

Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta sheshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 50

15774 nusxada bosildi

Г — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 16.30
Topshirilgan vaqti — 18.30
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda